



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

27.07.2022 й

Ўзбекистон тумани

4-1503-2201/935-сонли иш.

Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди, суд раиси М. Мирмаксудовнинг раислигида, Ш.Умаровнинг котиблигида, даъвогар Даъвогар номининг жавобгар – "ЖАВОБГАР НОМИ" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тарзидаги ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишни тарафлардан аризачи вакили ХХХ (ишончнома асосида) иштирокида, Ўзбекистон туман давлат солиқ инспекцияси биносида ўтказилган очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Аризадан кўринишича, "ЖАВОБГАР НОМИ" масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда "жавобгар" деб юритилади) томонидан солиқ хисоботи ўз вақтида рўйхатдан ўтган жойидаги солиқ инспекцияси – Даъвогар номига (кейинги ўринларда "даъвогар" деб юритилади) тақдим этилмаган, натижада даъвогар ариза билан Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тарзидаги ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили даъвони қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар белгиланган тартибда огоҳлантирилган бўлса-да, суд мажлисида иштирок этмади, Иқтисодий процессуал кодекснинг 220-моддасига мувофиқ, суд низони жавобгарнинг иштирокисиз кўриш мумкин деган хулосага келди.

Суд, тарафларнинг кўргазмаларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, даъвони қаноатлантиришни лозим топади:

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, жавобгар томонидан солиқ хисоботи ўз вақтида рўйхатдан ўтган жойидаги солиқ бошқармаси – даъвогарга тақдим этилмаган, натижада даъвогар ариза билан Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тарзидаги ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашни сўраган.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 215-моддасига мувофиқ, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан судларга назорат қилувчи органлар мурожаат этишга ҳақли.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 217-моддасига мувофиқ, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш – ҳуқуқий таъсир



чорасидир.

Солиқ Кодексининг 82-моддаси 1-қисмига кўра, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботиغا илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Солиқ Кодексининг 111-моддаси 1-қисмига мувофиқ, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Даъвогарнинг даъво талаблари асосли, қайд этилганларга кўра суд даъвони қаноатлантиришни лозим топади.

“Давлат божи тўғрисида” ги Қонуннинг 9-моддаси, 1-қисми, 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинган.

Қайд этилганларга кўра, суд тарафлардан давлат божи ундирмасликни, иқтисодий иш электрон тартибда шакллантирилганлиги сабабли, почта ҳаражатларини ҳам ундирмасликни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 221, 222-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Ариза қаноатлантирилсин.

Жавобгар "ЖАВОБГАР НОМИ" масъулияти чекланган жамияти томонидан белгиланган солиқ ҳисоботлари аризачи Даъвогар номига тўлиқ тақдим этилмагунга қадар, жавобгар "ЖАВОБГАР НОМИ" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялари тўхтатиб турилсин.

Ҳисоботлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг, "ЖАВОБГАР НОМИ" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялари аризачи Даъвогар номининг қарори (расмий хати) билан тиклансин.

Мазкур ҳал қилув қарордан норози тараф ўн кун муддат ичида Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибда шикоят бериши мумкин.

Раислик этувчи

М.Мирмаксудов

